

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 88 (1414), 2025 йил 1 май, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА МОСЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни нодавлат таълим хизматлари тизимини такомиллаштириш, олий ва касбий таълимда сифатни ошириш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишди.

Иқтисодиёт тармоқлари ривожига ҳамда инвестициявий муҳит, энг аввало, кадрлар салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, олий ва касбий таълим тизими доимий такомиллаштириб борилаётган.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида хусусий секторга берилган имкониятлар туфайли 71 та хусусий олийгоҳ ва 51 та хусусий техникум ташкил этилиб, уларда 500 минг нафарга яқин талаба ва ўқувчилар тахсил олмақда. Бунинг натижасида мамлакатда олий таълим билан қамров 9 фоиздан 42 фоизга ошди.

Албатта, бугунгача амалга оширилган ишлар кўплаб ёшларнинг касбий ва олий маълумот олишига имкон яратди. Аммо нодавлат таълим ташкилотларининг барчасида ҳам таълим сифати бирдек таъминланмаган.

Нодавлат таълим ташкилотларида қабул параметрлари, таълим дастурлари, ўқув жараёнлари ҳамда илмий салоҳиятни сифат жиҳатидан яхшилаш, уларни замонавий меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштириш энг асосий масалалардан биридир.

Шу боис, тақдимотда нодавлат таълим хизматларини кўрсатишни тартибга солиш,

лицензиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат аккредитациясидан ўтказиш бўйича янги тизимни жорий этишга қаратилган таклифлар муҳокама қилинди.

Бу борада илгор хорижий тажрибалар асосида икки босқичли лицензиялаш тизимига ўтиш, таълим дастурларини махсус аккредитациядан ўтказиш ҳамда ҳар беш йилда комплекс давлат аккредитациясини ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Шунингдек, тақдимотда ривожланган давлатларнинг энг илгор тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, таълим сифатини ташқи баҳолаш билан шугулланувчи алоҳида мустақил тузилма ташкил этиш ҳамда сифат назоратининг шаффоф, холис ва адолатли тизимини жорий қилиш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Таълим сифатини таъминлаш ва ташқи баҳолашнинг жорий этилиши касбий ва олий таълим муассасаларида ўқитиш самарадорлиги ва илмий салоҳиятини ошириб, уларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

ЎЗА

БУЮК АЛЛОМА НОМИДА НУФУЗЛИ ИЛМ МАСКАНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ал-Хоразмий университетини ташкил этиш бўйича тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил августда Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишига асос солган эди. У ерда буюк олим номидаги университет ва ихтисослаштирилган мактаб ҳам бўлади.

Тақдимотда мазкур таълим масканларини ташкил этиш чора-тадбирлари, асосий йўналишлари ҳақида ахборот берилди.

Университетда 3 та: математика ва информатика, аэрокосмик технологиялар муҳандислиги ҳамда сунъий интеллект факультети бўлади. Уларда иқтисодиёт, ахборот технологиялари, саноат, хавфсизлик, энергетика ва экология каби соҳалар учун мутахассислар тайёрланади. Дарслар ўзбек ва инглиз тилларида, кредит-модуль тизими асосида олиб борилади.

Ўқув жараёнлари “Янги Ўзбекистон” университетининг тажрибаси асосида, Бирлашган Араб Амириликлари, Хитой Халқ Республикаси, Буюк Британия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Қабулни 2025-2026 ўқув йилидан бошлаш режалаштирилган. Жами талабалар сони 4-6 минг атрофида бўлиши кўзда тутилган. Шаҳарча ҳудудига Тошкентдаги Муҳаммад ал-Хоразмий мактабнинг филиали ҳам ташкил этилади. Унга 4-синф битирувчилари танлаб олинади. Таълимнинг яқунловчи 2 йилли муҳандисликка бошланғич тайёргарликка қаратилади.

Давлатимиз раҳбари университет ҳудуди нафақат таълим, балки Хоразмнинг тарихий-илмий ва туризм салоҳияти билан уйғун мажмуа бўлиши кераклигини таъкидлади. Ушбу замонавий таълим муассасаларини ташкил этишга оид ҳужжат имзоланди.

ЎЗА



БАҒРИКЕНГЛИК, МЎЪТАДИЛЛИК ВА МАЪРИФАТ ТИМСОЛИ

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳадаги кенг қўламли ислохотлар халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Бу ўзгаришлар замирида заминимиздан етишиб чиққан буюк алломалар, шахслар, илм-фанга улкан ҳисса қўшган машҳур аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бой илмий меросини кенг тарғиб қилиши ишлари мужассаси.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман фикримизни тасдиқлайди. Ушбу нуфузли анжуманда “Имом Мотуридий ва унинг издошлари илмий меросининг ислом илмлари ривожигаги ўрни”, “Мотуридийлик таълимотида умуминсоний қадриятлар талқини”, “XXI асрда

мотуридийлик таълимотининг аҳамияти” каби шубҳаларда муҳокама қилиб ўтди. Муфтийлар, илм-фан арбоблари ва илмий тадқиқотчилар ўз маърузаларида буюк бобомизнинг илмий мероси, мотуридийлик таълимотининг моҳияти каби муҳим масалаларда сўз юритди.

Давоми 2-бетда

Юксалиш палласи

ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ГАРОВИ

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари доимий эътиборда. Зеро, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллиятни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядадир.



Шунинг учун юртимизда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашга катта куч ва маблағ йўналтириб келинмоқда. Натижада мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сезиларли сифат ўзгаришлари рўй бераётган.

Шубҳасиз, барча соҳалардаги ислохот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалади. Шу боис, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш борасида кейинги йилларда ижобий ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика уни-

верситетида таълим сифатини ошириш, университет фаолиятига илгор таълим дастурларини жорий қилиш ҳамда замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги “2022–2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Давоми 5-бетда



Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан АҚЛИЙ ЧИНИҚИШ — ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК КАФОЛАТИ

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жумладан, шахматни оммалаштириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилиб, кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Буларнинг натижаси ўларок, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда тарихий ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз доврўғини дунёга янада кенгроқ ёймоқда. Хусусан, Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз иштирокчи давлатлар орасида умумжамоа ҳисобида 13-ўринни, Осиё қитъасида 4-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда МДХ бўйича 1-ўринни эгаллади.

Давоми 5-бетда

КИМЁ САНОАТИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон ноёб кимёвий элементлар, турли фойдали қазилмалар, хомашё ресурсларига бой географик маконда жойлашган. Таъбир жоиз бўлса, Менделеев жадвалидаги барча кимёвий элементларни юртимизда табиий ҳолда учратиш мумкин. Шу боис, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосларидан бири кимё саноатидир. Мазкур тармоқ қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, тўқимачилик, фармацевтика ва энергетика каби кўплаб саноат йўналишлари тараққиёти учун ҳам асос бўлиб хизмат қилиши соҳа ривожига алоҳида эътибор билан қараш заруратини юзага келтиради.

Айниқса, дунё иқтисодиётида беқарор вазият, иқтисодий буҳрон авж олаётган ҳозирги паллада кимё саноати тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олиш, хорижий инвестиция ҳисобига янгидан янги лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш, кимё саноати маҳсулотлари турини кўпайтириш, тармоқ-

ни диверсификация қилиш керак. Шу боис, жорий йил 22 апрелда давлатимиз раҳбари кимё саноатидаги лойиҳалар ижроси ва тармоқни диверсификация қилиш бўйича режалар тақдимоти билан танишди.

Давоми 4-бетда



ТОМЧИ ТАҚДИРИ: СУВ КЕТАПТИ, БИЗ-ЧИ?

Бу ҳақда ёзмасам бўлмайди. Сабаби, шу пайтгача бу мавзуда чуқур ўйламаган, аниқроғи, бу каби ўйлашга мажбур қиладиган воқеани ўзимда ҳис қилиб кўрмаган эканман.

Яшаб турган хонадонимда қисқа таъмирлаш ишларини бажардик. Уста иссиқ ва совуқ сув тармоқларини созлаш учун қувурларни янгилаш кераклигини айтди. Рози бўлдим.

“Фақат бир кун вақт кетади, сувни тармоқдан узиб турман”, деди у. “Барака топинг, тузатиб берсангиз бўлди”, дея бозордан керакли жиҳозларни олиб келишга шошдим. Дам олиш кунни, уста ишга киришди, мен ёрдამчи

бўлдим. Уларнинг ҳам иши қийин экан, бошида жиддий киришган эдим, тушга яқин ҳолдан тойдим. Кейин зериқтирмаслик учун гапга зўр бердим. Уйда болалар бор, бирин-кетин ҳожатхонага киришни бошлади.

Совуқ сув ўчирилган, қўшидан сув олиб, ҳожатхона сувдонини тўлдириб қўйдим. Дастлаб икки-уч марта олиб келганимда билинмади. Кейинги сафар 10 литр сув билан сувдонни тўлдирдим, ўғлим кириб чиқди ва тугмачани босди, бир деганда 10 литр сув оқиб кетди.

Яна 10 литр сув олиб келиб қўйдим ва тугмачани босдим. Буни онгли равишда тасаввур қилиш имконсиз: бир дақиқада сув оқиб кетди. Бошимда кучли оғриқ турди. Уйга иччи мақсадида 10 литр сув олиб келиб қўяман — истеъмол учун, болалар чанқаганда ичиб кетаверади. Бир ҳафтага етади. Ҳозир эса ўша 10 литр сувни бир лаҳзада тугмачани босиб, яроқсиз ҳолга чиқариб юбордим. Сув кетди, мен эса...

Давоми 3-бетда



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

БАҒРИКЕНГЛИК, МЎЪТАДИЛЛИК ВА МАЪРИФАТ ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-бетда

Тадбирда Миср, Туркия, Малайзия, Индонезия, БАА, Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби 20 дан ортқ давлатдан 70 дан зиёд муфтий, нуфузли исломшунос олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, мотуридийшунос тадқиқотчилар, тарихшунос ва диний-маърифий соҳа вакиллари қатнашди.

Буюк ватандошимиз асос солган мотуридийлик мактаби ва таълимоти эътиқод борасида асрлар давомида бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат тимсоли бўлиб

келмоқда. “Калом илмининг султони”, “Муслмонлар эътиқодини тузатувчи” деган юксак эътирофларга сазовор бўлган Имом Мотуридий ўрта асрларда — ғоявий курашлар авж олган ўта мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини кенг очиб берадиган ноёб илмий-маърифий асарлар битган, турли зарарли оқимлар ва жаҳолатга қарши мардона курашган.

Олим номи улуғланиб, 2020 йилда Президентимиз қарори билан Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 мартдаги “Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг ни-

“

Буюк ватандошимиз асос солган мотуридийлик мактаби ва таълимоти эътиқод борасида асрлар давомида бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат тимсоли бўлиб келмоқда. “Калом илмининг султони”, “Муслмонлар эътиқодини тузатувчи” деган юксак эътирофларга сазовор бўлган Имом Мотуридий ўрта асрларда — ғоявий курашлар авж олган ўта мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини кенг очиб берадиган ноёб илмий-маърифий асарлар битган, турли зарарли оқимлар ва жаҳолатга қарши мардона курашган.

шонлаш тўғрисида”ги қарори маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бири бўлди. У буюк алломанинг ибратли ҳаёт йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишда катта аҳамиятга эга. Зеро, қарор мотуридийлик таълимотида хос бағрикенглик ва мўътадиллик тамойилларини халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Шунингдек, қарорда мазкур халқаро илмий-амалий анжумани ўтказиш ҳам назарда тутилган эди. Президентимизнинг тадбир иштирокчиларига табригида ҳам Мотуридий ҳазратларининг

бой илмий мероси аҳамияти, уни тадқиқ қилиш ишларини жадаллаштириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Ушбу табрикни анжуман иштирокчилари кўтаринки кайфиятда кутиб олди. Шундай улуг инсонлар маърифатини дунёга тарқатиш, меросини чуқур ўрганишда давлатимиз раҳбари ташаббускор эканини мамнуният билан эътироф этди.

Бугун буюк аجدодимиз қолдирган бой илмий-маърифий мероснинг аҳамияти жаҳон миқёсида тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг мақоми ва нуфузини янада ошириш мақсадида Президентимизнинг тегишли фармонида кўра, марказимиз Вазиirlар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилди.

Энди марказ Имом Мотуридий ҳазратларининг ислом дини равнақида қўшган бебаҳо хиссаси ва мотуридийлик таълимотини чуқур тадқиқ этишда турли мамлакатлардаги уламоларни бирлаштирадиган халқаро платформа бўлиб хизмат қилади. Бу ҳам келгусидаги тадқиқотлар самардорлигини таъминлайди.

Жамолiddин КАРИМОВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ҲАҚИҚ УСТОЗИ

Абдурахмон ВАҲОБЗОДА,
Тожикистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Исломшунослик маркази
директори ўринбосари



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик риштаси мустаҳкамланиб бораётган. Фикримизни икки давлатнинг ҳамкорлиги ҳар жабҳада барқарор ривож топаётгани исботлайди. Жумладан, маданий, маърифий, илмий йўналишдаги алоқаларимиз ҳавас қилса аргизулик босқичга кирди. Бунинг исботи ўлароқ, биз ҳам дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан ташриф буюрган олимлар қаторида Мовароуннаҳрнинг буюк шахси Имом Абу

Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этяпмиз. Тадбир сабаб Миср, Туркия, Малайзия, Индонезия, БАА, Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар муфтийлари,

исломшунос олимлари, давлат ва жамоат арбоблари, мотуридийшунослари билан суҳбатлашдик. Таассуротимиз ҳам ажойиб. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини тинглаб, жуда мамнун бўлдик. Унда бундай ажойиб сўзлар бор: “Биз халқаро илмий-тадқиқот муассасалари, сизлар каби муслмон оламида катта нуфузга эга бўлган олимлар билан ҳамкорликда Имом Мотуридийнинг серқирра ҳаёт йўли ва илмий мероси, ушбу таълимотнинг бугунги кундаги аҳамиятини янада чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз”.

Бундай ҳамкорлик бизни, албатта, қувонтиради. Марказий Осиё яна дунёга эзгу маъғи бўлиб хизмат қилаётганидан ҳақли равишда кўнглимиз ёришади. Ахир

минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон ислом оламининг жуда кўп мутафаккирларига бешик бўлган юрт эканидан биз ҳам ҳаммаша гуруҳ хиссини туйиб келаемиз. Айниқса, Имом Абу Мансур Мотуридийдек улуг сиймо меросидан баҳраманд бўлиш бизни янада яқинлаштиради. Аслида, Мотуридий ақидаси билан яшар экан, муслмонлар ўртасида ҳеч қандай низо бўлмайд. Чунончи, аллома таълимоти инсониятни фақат эзгу ва хайрли ишларга етаклайди. Дўсту биродарликка чорлайди. Бежиз чет эллик олимлар ҳам Мотуридийнинг илмий меросига алоҳида эътибор бермайд.

Бир сўз билан айтганда, Имом Абу Мансур Мотуридий бутун ислом оламининг ҳақиқ устозларидан бири. Шунинг учун у ҳақида қанча гапирсак, илмий меросини қанча кўп ўргансак, шунча кам. Унинг хотирасига атаб қилинаётган бундай ишлар эса, албатта, барчамизни хурсанд қилади.

ДАВР БУ ТАЪЛИМОТНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Самарқанддаги халқаро илмий-амалий конференция давомида теранроқ ҳис қилинганки, Имом Мотуридий билан нафақат ўзбек замини, балки минтақа халқлари ҳам фахрланади. Бу бежиз эмас, албатта. Бир нарсага гувоҳ бўлдим ва қувондим. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида жамиятда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш бўйича пухта ўйланган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Зайнобiddин АЖИМАТОВ,
Ўш давлат университети
профессори



Диний-маърифий соҳадаги кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистонда мотуридийшунослик илмий мактаби яхши шаклланибди. Ушбу эзгу ишларнинг узвий давоми сифатида “Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

Конференциянинг аҳамияти ва долзарблиги ҳақида гап кетганда, бугун Имом Мотуридий ва унинг таълимотини чуқур ўрганишни тақозо этаётган омилларни алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, муқаддас ислом дини ниқоби остида фаолият юритаётган радикал гуруҳлар ҳаракати кучайиб бормоқда. Бу халқаро майдонда Имом Мотуридий таълимотини ўрганишга эҳтиёб охиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, мотуридийлик мактабининг бағрикенг ғоялари, асрлар давомида минтақамизга мос ҳолда шаклланган инсонпарварлик таълимоти радикализмга қарши курашнинг таъсирчан ва самарали воситаси сифатида баҳоланмоқда.

Қирғизистон исломшунослари ҳам Имом Мотуридий таълимотини чуқур ўрганиш, меросини тадқиқ қилишда давом этмоқда, китоблари таржимаси билан шуғулланипти. У ўздан ақида, тафсир, фикҳ ва усул ал-фикҳ соҳалари бўйича бой маънавий мерос қолдирган. “Китоб ат-тавҳид”, “Таъвилот ал-Қуръон” каби 20 га яқин асар ёзгани манбаларда келтирилган. Алломанинг таълимотини келгуси авлодларга тўлақонли етказиш масъулиятини доим ҳис қилиб келганмиз.

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадамжолар ва тарихий-маданий ёдгорликларга саёҳатимиз менда алоҳида таассурот қолдирди.

ЎЗБЕКИСТОН — ИЛМ ЗАМИНИ

Сўнмас КУТЛУ,
Анкара университети илоҳиёт
факультети профессори



Мен ҳақли равишда Ўзбекистонни илм ва маданият замини деб атайман. Зеро, ҳар гал бу ерга келганимда Мотуридий, Беруний, Ибн Сино, Абу Лайс Самарқандий, Хоразмий, умуман, кўплаб йирик алломалар, олимлар кўз олдимдан ўтади. Ўз навбатида, Самарқандни ҳам илм замини дейиш мумкин. Бу ҳақда тарихий асарларда кўп ўқиганман. Шунинг учун ушбу заминга меҳрим бўламан. Илмий конференция доирасида ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд бўйлаб зиёрат ташкил этилгани бениҳоя қувонарли.

Зиёрат чоғи Самарқанднинг дарҳақиқат илм, маърифат диёри эканига яна бир бор

амин бўлдим. Биргина шу заминнинг ўздан кўплаб буюк алломалар етишиб чиққани Самарқанд номини бутун дунёга маълум машҳур қилади. Мотуридий ёдгорлик мажмуасида улуг олим ҳақида дуо қилдик. Самарқанднинг ташриф қозони, ўзига хос

рамзига айланган Регистон майдонини томоша қилдик. Шоҳизинда қаршида чуқур ўйга толиб, ўтмишга сайр этдик. Шу маънода, бу ердаги тарихий обидаларнинг муслмон дунёсидаги аҳамияти юқори.

Қолаверса, бундай бой маданий мероснинг ёшлар тарбиясидаги ўрни жуда муҳим. Улар ислом маданияти, қадриятларидан сўзлаётгандай. Ислом қадриятлари, айниқса, тинчлик, бағрикенглик, мўътадиллик таълимотларини мотуридийлик асосида муслмон умматига етказиш бугуннинг муҳим масалаларидан. Чунки дунё муслмонларининг аксарияти Мотуридий асарларини ҳужжат деб қабул қилади, ақидасини таянч деб билади. Алломанинг ҳидоят байроғи, муслмонлар ақидасини ислох этувчи, аҳли сунна пешвоси каби юксак унвонлар билан шарафланиши ҳам

шундан. Қимматли маънавий, илмий мерос қолдирган аждодларга муносиб ворис бўлиш биз, авлодларнинг улар олдидаги қарзимиз. Бу борада Ўзбекистон томони кўрсатган ташаббуслар алоҳида аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев илгари сураётган муҳим ғоялар улуг шахсларнинг маърифий таълимотларини кенг тарғиб этишга хизмат қилипти.

Дунёдаги қарийб 2 миллиард муслмоннинг 800 миллионга яқини мотуридийлик ақидавий таълимотида таянади. Зеро, Имом Мотуридийнинг фикҳ, тафсир ва калом илми каби йўналишларда ўздан бой илмий мерос қолдирганини улар юксак қадрайди. Самарқандда ўтаётган бу каби нуфузли тадбирлар орқали Мотуридийнинг ибратли ҳаёт йўли, бебаҳо илмий меросини чуқур ўрганишга кенг йўл очилади. Ислом оламининг беназир олими қолдирган улкан мерос эса барчамизга бирдек қадрли бўлиб қолаверади.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ВАТАН РАВНАҚИ, ТИНЧЛИГИ ВА ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДАГИ ҚАҲРАМОНЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, жанг майдонларидан омон қайтган ва фронт ортида мардона меҳнат қилган аждодларимизга чуқур ҳурмат, меҳр-оқибат кўрсатиш кейинги йилларда том маънода миллий анъанага айланди.

Бугунги тинч, осойишта, эркин ва қаровон ҳаёт учун азиз жонини фидо қилган аждодларимизнинг ёрқин хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини муносиб давом эттириш тинчликни буюк неъмат деб билладиган бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос азалий қадриятдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб

нишонлаш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга юксак ҳурмат кўрсатишнинг ёрқин намунасига айланди. Мазкур ҳужжат асосида “Ватан равнақи, тинчлиги ва Ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди” шиори остида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар уйига бориб, ўша ерининг



Гулнора МАЪРУФОВА,
Сенат аъзоси

ўзда кўнгличар тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу эса бугунги ёш авлод қалбида ватанпарварлик ва юртга садоқат

туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ёлғиз ва кам таъминланган уруш қатнашчиларининг яшаш жойлари таъмирланиб, ободонлаштирилмоқда. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляпти. Уруш қатнашчилари ва унинг оқибатида ногирон бўлган шахсларга, фронт орти меҳнат қилган шахсларга “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” юбилей медаллари топширилади.

Шунингдек, қарорга кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парварши қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари (шартнома асосида) бириктирилган ҳолда доимий равишда патронаж хизмати йўлга қўйилди. Бу ҳам юртимизда уларга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасиридир.



Қаҳрамон жангчиларга кўрсатиладиган бундай эътибор ва ғамхўрлик инсон қадрини улуглаш эзгу ғоясига ҳаммадан юқори бўлиб аҳамиятди. Бинобарин, юртдаги тинчлик, хотиржамлик ва гўзал ҳаёт ўз-ўзидан кўлга киритилгани йўқ. Бу мунаввар кунларнинг келиши учун ота-боболаримиз ҳаётини хатарга қўйиб, беомон жангларда иштирок этган.

Иккинчи жаҳон урушида 2 миллион нафарга яқин ўзбекистонлик жангга овланган бўлса, уларнинг 800 мингга яқини она юртига қайтиш насиб қилмаган. Гулдай ҳаёти, ёшлик даври жанг жадалларда

ўтиб, хоки ўзга юртларда қолиб кетганлар хотирасини ёд этиш бугунги авлоднинг муқаддас бурчидир.

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган кишилар тобора камайиб бормоқда. Шундай экан, уларни қанча қадрласак, ҳурмат бажо келтирсак, эъзозласак, шунча кам. Ҳаёт бор экан, халқимиз бу қаҳрамон жангчилари хотирасини ҳеч қачон унутмайди. Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳаммаша барҳаёт яшайди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Нуқтаи назар

ТОМЧИ ТАҚДИРИ: СУВ КЕТЯПТИ, БИЗ-ЧИ?

Мамлакатимизда сув ресурсларининг катта қисми Амударё ва Сирдарё ҳисобига тўғри келади. Ички сув манбалари чекланган, асосан, ер ости сувлари ва мавсумий оқимлардан иборат. Ички сув ресурслари йилга тақрибан 15-16 миллиард куб метрни ташкил этса, умумий сув сарфи 50 миллиард куб метрдан ошиб кетади.



Абу Бакир ЎРОЗОВ, журналист

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, сув инсон ҳаёти, табиат ва иқтисодийнинг асосий манбаи ҳисобланади. Унинг муқобили йўқ, XXI асрда глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сони ортиши ва саноат ривожига билан боғлиқ равишда тоза ичимлик сув масаласи бутун дунёда кенг қўламли экологик ва ижтимоий муаммога айланган. Айниқса, қуруқ иқлимга эга ва трансчегаравий сув манбаларига боғлиқ мамлакатларда бу муаммо янада долзарб тус олмақда.

Халқаро метеорология ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб Ер юзи аҳолисининг 5 миллиарди ичимлик сувдан етарли даражада баҳраманд бўла олмастлиги мумкин. Биргина 2018 йилда 3,6 миллиард инсон камидан бир ой ичимлик сувсиз қолган. Мазкур ҳисобот 20 дан ортиқ халқаро ташкилот ва илмий марказ томонидан берилган ҳулосалар асосида қилинган. У тақдир этаётган рақамлар нақадар хавотирли эканини кўриш мумкин.

Биз ҳали ҳам етарли даражада тасаввур қила олмаётган фожияни мисоллар билан асослашга ҳаракат қиламан. Масалан, саноатлаштиришга бўлган даврдан бошлаб ҳозирга қадар намчил ҳудудларнинг 80 фоизи йўқ бўлиб кетган. Шунингдек, охириги 20 йилда ичимлик сув захираси ҳар йили бир сантиметрга пайсайд бормоқда. Бунда ёгингарчилик, ер ости ва ер усти суви, музликларни қўшиб ҳисоблаш ҳам қиради. Қуруқчиликнинг давомийлиги охириги 20 йилда 29 фоиз ошган.

Сувсизлик қўллаб давлатларда асосий муаммога айланган улғурди. Айниқса, Африка учун бу оғир кечини кутилмоқда. Ҳозир 2 миллиарддан ортиқ инсон сув танқис мамлакатларда яшайди, улар ичимлик сув ва канализация муаммосидан азият чекоқда.

Мамлакатимизда сув ресурсларининг катта қисми Амударё ва Сирдарё ҳисобига тўғри келади. Ички сув манбалари чекланган, асосан, ер ости сувлари ва мавсумий оқимлардан иборат. Ички сув ресурслари йилга тақрибан 15-16 миллиард куб метрни ташкил этса, умумий сув сарфи 50 миллиард куб метрдан ошиб кетади.

Бу ҳолат мамлакатни ташқи манбаларга қаран қилиб қўяди. Шу сабаб сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни тежаш ва қайта тиклаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган.

Географик жойлашуви ва ҳудудлар тақсимоти кўра, Ўзбекистоннинг ҳудудлари бўйича ичимлик сув етиб бориш даражаси жуда номуносиб. Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2023 йилги маълумотларига кўра, умумий аҳолининг 27 фоизи тоза ичимлик сув билан доимий таъминланмаган. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида сув таъминоти муаммолари аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

“Ўзсувтаъминот” раиси ўринбосари Хуршид Раҳматуллаев жорий йил февралда ўтказилган маъмурий анжуманларидан бирида таъкидлашча, бизда стандарт талаблари бир оз юқори, яъни оқова сув тизимларидан ташланадиган сувга нисбатан талаб катта. Европа ёки ривожланган бир қатор давлатларда тозаланган оқова сув денгиз, дарё ёки океанга чиқариб юборилади. Шу сабаб уларда бу талаблар бир оз пастроқ. Бизда эса оқова сувлар, асосан, ерга ёки кейинчилик фойдаланиладиган дарёларга оқизилади. Мазкур масалалар тўғриси ва яхши маънодаги баҳс-мунозаралар кетяпти. Бу ҳам лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишга муайян даражада таъсир қилади.

Қорақалпоғистонда аҳолининг фақат 40 фоизи марказлаштирилган ичимлик сув тармоғига уланган. Бу ҳудудда Орол фожияси туфайли ер ости суви шўрланиши ва хавфли моддалар билан ифлосланиши аҳоли соғлиғига таҳдид солади.

Навоий вилоятида кўп қишлоқлар сув манбаларидан узоқда жойлашган, аскар ҳолларда аҳоли сувни цистерналарда олишга мажбур бўлади. Бу нафақат техник муаммолар, балки санитария ва гигиена хавфини ҳам келтириб чиқаради.

Яқинда фейсбукда Саидхон исмли фойдаланувчининг бир постига кўзим тушиб қолди. Қизилтепа туманидаги Яқкатут қишлоғида ёз мавсумида ичимлик сув топиш катта муаммога айланади. Аҳоли ҳар кунни белгиланган вақтда келадиган автоцистернадан сув олар экан.

“Кейинги икки йилда сув сифатсиз келаятигани пайқадик. Болаларимни қайнатилган сув билан ювинтираман. Йилда икки марта ҳожатхонанинг сув оқизиш тизимини таъмирлашга мажбур бўламиз, чунки қуруқчилик устига муҳандислар ҳам етишмайди”, деб ёзди у.

Мазкур постга муносабат тарзида бўлма-са ҳам “Ўзсувтаъминот” раиси ўринбосари Хуршид Раҳматуллаевнинг “2035 йилга бориб республика бўйича марказлашган ичимлик сув билан таъминланиши даражасини 95 фоизга етказиш режа қилинган. Қолган 5 фоизи олис ва тоғли ёки тармоқ тортиш ишлари техник ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган ҳудудларга тўғри келади. Уларга муқобил манбалар, яъни сув ташуви машиналар билан ёки жойида сув таъминоти таъминлаш чоралари кўрилади”, деган маълумотини илова қилиб қўйилгани маълум топдик.

Экспертларнинг қўшимча қилишича, инфратузилма ва моддий ресурслар етишмаслиги, шунингдек, етарли даражада молиялаштириш бўлмагани сабабли бу ҳудудларда ичимлик сув муаммоси узоқ йиллар давомида ҳал этилмаган.

— 2025-2030 йилларда республика бўйича қарийб 45 минг километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи тортилиб, 1,8 мингта иншоот қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, аҳолини узлуксиз равишда сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида йирик шаҳарларимизда давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қатор лойиҳалар амалга оширилади, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси в.б. Аҳмад Сувоққулов.

Маҳаллий муҳандис ва эксперт Шерали Отахонов бундай ёзди: “Агар биз сув тармоқларидида йўқотишларни камайтириш, фойдаланишда автоматлашган тизимларни жорий этиш ва мониторингни кучайтиришни уйдalasак, аҳолининг катта қисми қўшимча равишда сув билан таъминланиши мумкин”.

Сув танқислигининг асосий сабаблари

Сувсизлик ва қуруқчилик деганда кўз олдимизга бирдан Африка келади. Қақраган ер тасвири кўз олдимизда муҳрланиб қолган. Ҳозирча бошқа мамлакатлардаги сувсизликни бу манзарага менгзаб бўлмайди. Лекин Африкадаги каби қуруқчиликдан бошқа ерлар зарар кўрмайди дейиш жуда хато бўлади. Масалан, Бразилия ўз тарихидида энг йирик қуруқчиликни бошдан ўтказмоқда. Бу эса, ўз навбатида, унинг энергетизимига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки мамлакатдаги асосий электр энергияси гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилади. АКШнинг Калифорния штатида қуруқчилик сабаб кенг қўламлидаги ўрмон ёнғинлари кузатилмоқда. Шунингдек, Австралия, Франция, Туркия каби давлатларда ҳам қуруқчилик, иссиқ ҳаво сабаб вақти-вақти билан ўрмон ёнғинлари юз бормоқда.

Ўзбекистонда эса сув танқислигининг бир неча асосий омилли бор. **Биринчидан**, иқлим ўзгариши туфайли ёгингарчилик камайиши ва ёз мавсуми иссиқроқ ва қуруқроқ бўлиши сув манбалари қуриб қолишига олиб келмоқда. Бу ҳолат сўғориладиган ерда ҳосилдорликни пайсаятиради ва аҳоли учун ичимлик сув захираларини камайтиради.

Иккинчидан, қишлоқ ҳўжалигида сувнинг 70-80 фоизи канал ва ариқлар орқали етказилади, бу эса йўқотишларнинг катта

қисмини ташкил этади. Мутахассисларнинг баҳолашча, сўғориш жараёнидаги сув йўқотишлари 35-40 фоизга етади. Масалан, Фарғона водийсидаги сув каналлари 50 йилдан ортиқ вақт олдин қурилган, уларда изоляция ёки замонавий назорат механизми мавжуд эмас.

Учинчидан, сув ресурсларининг асосий қисми (85 фоиз) трансчегаравий манбаларга боғлиқ. Амударё ва Сирдарё Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларидан бошланади. Бу давлатлар томонидан қурилатган янги ГЭСлар ва сув омборлари Ўзбекистонга келадиган сув оқимини камайтириши мумкин.

Тўртинчидан, аҳолининг ўсиши ва урбанизация жараёни ҳам сув танқислигига олиб келмоқда. Ўзбекистон аҳолиси биргина 2025 йилнинг ҳар бир ойида ўртача 51,5 минг кишига қўпаймоқда. Бу эса сувга талабни оширяпти.

Эколог ва муҳандис Дилфуза Раҳимова бундай дейди: “Сув тежаш технологияларини жорий этиш — биздаги энг катта эҳтиёж. Агар биз томчилатиб сўғориш, қайта ишлаш ва интеллектуал бошқарув тизимларини кенг қўлласак, сувдан фойдаланишда 30 фоизгача самарадорликка эришишимиз мумкин”.

Халқаро тажриба нима дейди?

БМТнинг сув қўмитаси ва UNESCO биргаликда тайёрлаган ҳисоботларга кўра, 2050 йилга бориб сувга талаб 20-30 фоиз ўсиши тахмин қилинган. Бунинг сабаби эса демографик ўсиш, иқтисодий ривожланиш, истеъмол тарзининг эволюцияси ҳисобланади. Ҳозир сув танқислиги хавфи юқориликка қолаётди. Чунки сув ресурслари ёмон бошқаришда.

“Ҳокимият ва кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун масъул бўлган миллий метеорология ва гидрология хизматларининг 60 фоизи сув сектори учун иқлим хизматларини кўрсатиш имкониятига эга эмас” деб ҳисоблайди Халқаро метеорология ташкилоти мутахассиси Петтерри Таалас. 2018 йилдан бунён сув ресурсларини бошқариш самарадорлиги умумий 10 фоиз яхшилланган бўлса-да, таҳлил қилинган 166 мамлакатдан 26 тасида



ёмонлашган. “107 та давлат ҳали ҳам 2030 йилга бориб сув ресурсларини барқарор бошқаришга эришишининг тўғри йўлида эмас”, деб хавотирини билдирган мутахассис.

Европа давлатларида ҳам қишлоқ ҳўжалигидаги сувлардан чучук сув захиралари катта муаммо ҳисобланади. Европа ҳисоб палатаси ҳисоботида таъкидланишича, Европа қишлоқ ҳўжалиги сисёати сув исрофгарчилигига сабаб бўлмоқда. Чунки асосий молиялаштирилган маҳсулотлар гуруҳи, ёнғок ва мева-сабзавот каби сувни кўп талаб қиладиганлардир. Шунингдек, бу маҳсулотлар етиштириладиган ҳудудлар ҳам сув танқис жойларга тўғри келади.

Мақолани ёзиш жараёнида мавзу бўйича қатор мамлакатлар тажрибасига диққат қаратишга тўғри келди. Сингапурда ҳар бир ёғмир томчиси давлат иқтисодиёти учун қадрли ҳисобланади. Бу ерда “NEWater” деб аталадиган сувни қайта ишлаш дастури бўлиб, фойдаланилган сув махсус тизимлар орқали тозаланиб, яхши сифатда қайта фойдаланишга йўналтирилади. Шу тариқа Сингапур ўз эҳтиёжининг 40 фоиздан ортигини қайта ишланган сув орқали таъминлайди.

Австралияда қуруқчиликка қарши миллий стратегия қабул қилинган, унда ҳудудий сув захиралари, номарказлашган тизимлар, сув нархларини бозор механизмлари асосида белгилаш ва жамоатчилик иштироки каби усуллар қўлланилмоқда.

БМТ ва Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар сув ресурсларини самарали



Ўзбекистонда эса сув танқислигининг бир неча асосий омилли бор. **Биринчидан**, иқлим ўзгариши туфайли ёгингарчилик камайиши ва ёз мавсуми иссиқроқ ва қуруқроқ бўлиши сув манбалари қуриб қолишига олиб келмоқда. Бу ҳолат сўғориладиган ерда ҳосилдорликни пайсаятиради ва аҳоли учун ичимлик сув захираларини камайтиради.

бошқариш, ҳудудларо ҳамкорликни йўлга қўйиш ва инвестиция жалб этиш орқали кам сувли мамлакатларни қўллаб-қувватламоқда. Халқаро эксперт, доктор Ларс Петерсен бундай таъкидлайди: “Ўзбекистон сув муаммосини ечиш учун минтақавий шериклик, илғор технологиялар ва таълимни биргаликда жорий этиши зарур”.

Ички ислохотлар ва инсоний бурч

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ичимлик сув манбаларида қатор давлат дастурлари ва халқчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги фармони

сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланди. Давлатимиз раҳбари жорий йил 17 март кунини ўтказган видеоселектор йиғилишида бу йил 1619 километр ичимлик сув, 521 километр оқова сув тармоғи тортиш, тизимдаги 162 та иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилганини таъкидлади. Натияжада 715 минг аҳолига илк бор тоза ичимлик сув етиб боради, 135 минг хонадон оқова сув тармоғига уланади, 157 минг истеъмолчига замонавий ҳисоблагич ўрнатилади.

Ўзбекистон Президентининг Францияга жорий йилги ташифи доирасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ичимлик сув бўйича 340 миллион евролик 3 та лойиҳа келишилган эди. Франциянинг “Suez” компанияси Денов, Шўрчи, Саросиё ва Қўмқўрғондаги ичимлик сув таъминотини хусусий бошқарувга овлати. Натияжада вилоятда марказлашган ичимлик сув қамрови 90 фоизга етиши кутилмоқда.

Шунингдек, соҳани рақамлаштириш бўйича сезиларли ишлар қилинмоқда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкидан 125 миллион доллар жалб қилиниши белгиланган. Беш йилда йирик сув иншооти ва магистрал қурувларга 4800 та “ақлли” ҳисоблагич, 2800 та телеметрия тизими ўрнатиш кўзда тутилган. Бу яқин келажакда йўқотишларни камайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланишга имкон беради.

Албатта, бу каби рақамлар инсон ҳаётидаги энг муҳим эҳтиёж — тоза ичимлик сув билан аҳолини таъминлаш келгуси йилларда сезиларли даражада ошишидан дарак беради. Аммо масаланинг яна бир муҳим жиҳати, экологик таълим ва аҳоли ўртасида маърифат ишларини ҳам кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўғри, мактаблар ва олий ўқув юртиларида сувни тежаш, ундан мақсадли фойдаланиш бўйича дарслар киритилган. Аҳоли ўртасида кам сув сарфлайдиган ускуналарни қўллаш борасида субсидиялар ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Шунга қарамай, ҳар кунини сарфланаётган сув қўлами, айниқса, беҳуда оқиб кетаётган сув миқдори шунчалар каттаки, уни кичик рақамларда ифодалаб бўлмайди.

Оддийгина ўз вақтида тўзатилмаган сув қурилмалари ёки катта миқдорда ер остидан отилиб чиқувчи сувни ёпиб қўйиш учун бурғичлар қўйилмаслиги ёхуд экинни нотўғри

сўғориш кабилар муаммо қўламини тобора кучайтириб юбормоқда. Сув танқислиги нафақат иқтисодий, балки экологик ва ижтимоий жиҳатдан ҳам жиддий оқибатларга олиб келаятир. Қорақалпоғистон ва Хоразмда Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик фалокат иқлимнинг исб бориши, ерлар шўрланиши ва биохимия-хилликнинг йўқолишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, аҳоли саломатлиги, ҳосилдорлик ва яшаш шароитига катта таъсир кўрсатмоқда.

Мутахассислар фикрича, сув манбаларининг қуриши ҳайван ва ўсимликлар ҳаёт тарзини салбий таъсир қилади. Сирдарё ва Амударё ҳавзаларидаги бақилар популяцияси кескин камайган, чўлланиш жараёни эса янги ҳудудларни қамраб олмақда.

Ўзбекистонда ичимлик сув муаммосини самарали ҳал этиш учун комплекс ёндашув зарур. Бунинг учун техник, ташкилий, ҳуқуқий ва таълим соҳаларида бир қатор чоратadbирлар амалга оширилиши керак.

Аввало, сув таъминоти инфратузилмасини янгилаш ва модернизация қилишга катта эътибор қаратиш лозим. Эски ва самарасиз тармоқларни замонавий, изоляцияланган қувурлар билан алмаштириш, томчилатиб сўғориш ва қайта ишлаш тизимларини жорий қилиш талаб этилади.

Иккинчидан, аҳоли сувни тежашга ўргатиш ва бу бўйича кенг қамровли тарғибот қилиш зарур. Олий ва ўрта таълим муассасаларида сув ресурсларини муҳофаза қилиш мавзусини мажбурий фан сифатида киритиш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини кучайтириш керак.

Учинчидан, сув ресурсларини бошқаришда рақамлаштириш ва сувнинг интеллект имкониятларидан фойдаланиш лозим. Геоахборот тизимлари, сенсорли мониторинг, автоматлаштирилган фойдаланишчилар орқали сувдан самарали фойдаланишга эришиш мумкин.

Ичимлик сув муаммоси Ўзбекистон учун нафақат экологик, балки ижтимоий, иқтисодий ва сисёий аҳамиятга эга долзарб масаладир. Мавжуд ресурслардан тежаб фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш, иқтисодий механизмларни ишга тушириш ва аҳолини хабардор қилиш муаммони ҳал этишда асосий омиллар ҳисобланади.

Дунё тажрибаси кўрсатмоқдаки, сув танқислигига қарши курашда давлат, жамяият ва хусусий сектор ҳамкорлиги, изчил ислохотлар ва инновациялар ёндашувлар асосий роль ўйнайди. Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ҳаракатлар кучайтирилмоқда ва бу жараёнда илғор амалиётларни тарғибот қилиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ичимлик сувининг бир томчиси оддий табиий ресурс эмас, балки инсон ҳаёти, болалар саломатлиги, ола юртнинг келажати билан chambарчас боғланган қадриятдир. Агар бугун сувнинг қадрини билмасак, эртага ҳар бир кунимиз омонат бўлиб қолиши мумкин.

Сув кетяпти. Биз-чи? Биз сукутда яшайверишни танлаймизми? Ёки ҳар биримиз — фуқаро, амалдор, оила, ёшлар — ўз зиммамиздаги масъулиятни англаб, сув учун жавобгарликни ҳис қила бошлаймизми?

Томчида ҳаёт яшайди. Уни сақлаш фақат давлатнинг эмас, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир. Чунки эртага фарзандларимиз сув эмас, ҳаётни излашга мажбур бўлиб қолмаслиги учун бугун ҳаракат қилишимиз керак.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





Ислохот

КИМЁ СANOАТИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бегда

Охириги йиллардаги ислохотлар самарасида тармоқ оёққа турмоқда. Президентимиз берган кўрсатмалар эса соҳа янада тараққий этиши, ҳали ишга солинмаган янги имкониятлардан фаол фойдаланишига туртки бўлади.

Экспертлар фикрича, соҳанинг изчил ривож экспорт салоҳиятини оширишга, муҳим кимёвий маҳсулотлар импортга қарамликни камайтиришга хизмат қилади. Айни пайтда Ўзбекистонда 180 турдан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Улар нафақат

Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистонга етказиб берилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон кимё саноатининг асосий ишлаб чиқарувчилари — “Навоий-азот”, “Максам-Чирчиқ”, “Фарғонаазот”, “Аммофос-Максам”, “Uz-Kor Gas Chemical” ва Шўртан газ-кимё мажмуалари, шунингдек, Деҳқонбод калий заводи, Кўнғирот сода заводи ва Қизилқум фосфорит мажмуаси жонбозлик кўрсатмоқда.

Кимё саноатини трансформациялаш деганда, замонавий технологиялар жорий этиши, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаш-



“

ТАРМОҚДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИБ, ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛДИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАНЖИРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН НАВОИЙ, ФАРҒОНА, ҚўНҒИРОТДА 3 ТА КИМЁВИЙ КЛАСТЕР, ЧИРЧИҚ ВА ЖИЗЗАҲДА 2 ТА ТЕХНОПАРК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ҚўҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ ТўЛИҚ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ички бозорни таъминлайди, балки хорижга экспорт ҳам қилинади. Жумладан, ўтган 2024 йилда қиймати 720 миллион долларлик 3,6 миллион тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилган. 520 миллион долларлик 50 дан зиёд маҳсулот 40 дан ортиқ давлатга экспорт қилинди. Шундан 317 миллион доллари минерал ўғитлар ҳамда 203 миллион доллари ноўғит ва органик кимё маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Бу маҳсулотлар Латвия, Руминия, Литва, Болгария, Эстония, Туркия, Хитой, Покистон, Афғонистон, Эрон, Россия,

тириш, экологик стандартларни ошириш назарда тутилади. Бу эса натижадорликни ошириш билан бирга полимер материаллардан тортиб, фармацевтик субстанциялар каби янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради. Бундай модернизация тадбирлари, ўз навбатида, глобал ишлаб чиқариш занжирларига интеграцияни ҳам кучайтиради.

Тармоқда бозор тамойиллари жорий этилиб, инвестицияларга кенг йўл очилди. Ишлаб чиқариш занжирини кенгайтириш учун

Навоий, Фарғона, Қўнғиротда 3 та кимёвий кластер, Чирчиқ ва Жиззаҳда 2 та технопарк ташкил этилди. Қўқон суперфосфат заводи тўлиқ модернизация қилинди. Жумладан, сўнгги беш йилда 23 та янги корхона очилиб, 4 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Тармоққа халқаро брендлар кириб келди, кичик тоннажли маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Буларнинг самарасида кимё саноатида ишлаб чиқариш 1,5 баробар ўсди. 2024 йил якунлари бўйича мамлакатимизда ишлаб

чиқарилган кимё маҳсулотларининг умумий қиймати 1,4 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Кимё соҳаси анъанавий тарзда, айниқса, саноат кластерлари жойлашган ҳудудларда бандлик даражаси орттириши таъминлайди. Замонавий кимё корхоналари барпо этилиши билан инфратузилма ривожланади, мутахассислар малакасини оширишга эътибор кучаяди ва ҳудудларда аҳоли турмуш даражаси юксалади. Юқорида қайд этганимиз — беш йилда соҳада 4 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган сўзимизни исботлайди. Рақамлардан ҳам тармоқнинг нақадар муҳим ва мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида драйвер соҳалардан бири экани маълум бўлади. Албатта, ўсиш аниқ белгиланган мақсад ва режаларга асосланган. Хусусан, соҳадаги

ислохотларга давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 апрелдаги “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жойлашувини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра тасдиқланган 2019-2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастурида белгиланган вазифалар ижроси орқали эришиляпти.

Келгусида эса бундан ҳам балеанд марраларни забт этиш мақсад қилинган. Биргина жорий 2025 йил биринчи чорада тармоқда 181 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган, 39 миллион долларлик 3 та лойиҳа рўёбга чиқарилган. Энди иккинчи чорада 170 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига “яшил” водород ва циан тузлари корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган.

Яқинда давлатимиз раҳбарига қилинган тақдимотда белгиланган вазифа ва мақсадлар соҳа тараққиётини янги босқичга олиб чиқади. Хусусан, мамлакатимиздаги кластерлар ҳамда технопаркларда 2025-2035 йилларда умумий қиймати 5 миллиард долларлик 56 та инвестиция лойиҳаси ҳисобига суюқ ва қуруқ циан тузлари, “яшил” водород, моноаммонийфосфат (МАФ), мураккаб минерал ўғитлар (НРК), меламин, сирка кислотаси, винилацетат, полиоксиметилен (ПОМ) ва бошқа маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади.

Тармоқни рақамлаштириш жараёни давом эттирилиб, ҳамкор соҳалар билан интеграцияси кенгайтирилади. Кимё заводларининг янги газначилик тизимида қўшимча модулар очилади. “Ягона рақамли платформа” якунига етказилиб, корхоналарнинг 15 та иқтисодий кўрсаткичи акс эттирилади.

Яна бир муҳим вазифа — энергиясамарадорлик. Энергияни тежаш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш орқали таннархни камайтириш зарурлиги таъкидланди. Энг муҳими, мутасаддиларга ҳозирги замон талаблари ва келгуси иқтисодий прогнозлар асосида кимё саноатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда янги йўналишларни ўзлаштириш орқали тармоқни диверсификациялаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Қадрлар масаласига ургу берилиб, “олий таълим муассасаси — фан — ишлаб чиқариш” занжирини йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди. Қадрлар тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, илмий технологик базани ривожлантиришга қаратилган кўп босқичли дастурни амалга ошириш таклифи билдирилди. Ушбу дастур доирасида кимё саноати учун қадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказини очиб кўзда тутилди. Айни шу йўналишда эътиборга молик ташаббуслардан яна бири “Хим-Рго” соҳавий касбий ривожланиш платформасини яратиш лойиҳасидир. Бу платформа кимё-технологик ва шу соҳага яқин йўналишларда таълим олаётган талабалар учун ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга қаратилган. Булар натижасида мамлакатимиз ҳар йили кимё соҳаси учун 2-3 минг нафар малакали мутахассис, муҳандис тайёрлаш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Айни пайтда амалга ошириляётган дастурлар, қулай инвестицион муҳитни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон кимё саноати яқин 5-10 йилда барқарор ўсиш суръатларини намоян этиши ва янги индустриал иқтисодиётда марказий ўринлардан бирини эгаллаши кутилмоқда. Кимё соҳасининг ривожига эса иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқлари тараққиётига замин яратади. Ўзбекистон иқтисодиётининг янада барқарор бўлиши, қаррасига орттишига асос ҳозирлайди.

Санжар ЭШМУРОВО,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қарор ва ижро

Ҳар кунги одатига кўра Турди бобо бугун ҳам тонгда туриб, маҳаллани бир айланиб келиш учун ташқарига чиқди. Сокин, озода кўча бўйлаб охишта қадам ташлаб бораркан, дастлаб қайси томонга боришга бир оз иккиланди. Нариги кўчадаги хашарчилар ёдига тушиб, уларнинг ишини бир кузатиб, “ҳорманг” дейишга шошилди.

Барака топсин, маҳалла одамлари яхши ташаббус кўрсатибди. Ҳар бир кўчани обод қилиш истагида кўни-кўшилар бир ёқадан бош чиқариб, йўл четига ток экиб, энди уни кўтариш учун вайиш қуришмоқда экан. Бобо олдин шунчаки гап бўлса керак деб юрганди. Кеча хашарнинг устидан чиқиб, мамнун бўлди. Ишга бош қўшаётганларга омонлик тилади. Бугун ҳам ҳойнаҳой иш қизгин бошлангандир.

Ота кўча томонга буриларкан, негадир жимликдан кўнгли хавотир олди. Лекин бир муддат ўтиб, катта йўлнинг усти темир панжаралар билан вайиш қилиб чиқилганини кўриб, дили айиради. Узунасига бир текисда кўчанинг охирига қадр тортилган вайиш худудга бошқача кўриниш бериб турарди. Ота эримасдан охирига қадр борди. Ҳар бир дарвоза ёнида аллақачон буй кўрсатиб қолган топ новдаларига бирма-бир қараб чиқди. Ниҳоллар яхши тутибди. Ҳадемай бу ернинг чиройи кўзини қуватади. Ота ортга қайтаркан, айни йигитлик чоғи ёдига тушди...

...Ушанда 16 ёшда эди. Кўпчилик қатори уларнинг оиласи ҳам шу ерга кўчиб келганди. Юқларини от-аравага ортиб йўлга тушган тоғликлар ўз маконларини ташлаб кетишни хоҳламасди. Лекин далани ўзлаштириш, пахтага ишчи кераклиги боис, тоғдилар бу ерга олиб келинди. Аммо осон кечмаганди ўшанда. У пайтлар яхши яшаш, инсон қадири ҳақида гапириб ҳам бўлмасди. Бундай ўйлаб қараса, умрининг асосий қисми далада ўтибди. Ёмон томони, кейинчалик аҳоли сони ортиб, янги иш ўринлари йўқлиги сабаб кўпчилик беқор қолди. Айниқса, мактабни тугатган ёшлар иш тополмай, қаерга боришни билмай боши қотди. Аксари четга кетиб, оиласидан узокда сарсон бўлди. Бугун эса бошқача. Имкониятларга кенг йўл очилиб, ховлидан чиқмасдан пул топишнинг иложи бор. Чамалаб кўрса, кейинги пайтда ёшлар хорижга кетмай қўйибди. Ахир меҳнат қилса, остона ҳатламасдан маблағ кириб келаятгани бор гап. Қани эди ҳозир ўзи ҳам ёш бўлиб қолса. Шундай фаровон замонда жавлон уриб, юрт учун меҳнат қилса...

Аслида, бундай кунларнинг қадрига етмаганлар қанча? Индамаса, томорқасига бирор нарса экинши хоҳлашмайди... Турди ота



шуларни ўйларкан, маҳалла раисини топиб, қолган кўчаларни ҳам худди шундай қилиш кераклигини тайинлашга шошилди.

— 1958 йили тоғ этагида жойлашган Деновола қишлоғидан Китоб тумани марказига яқинроқ бўлган манзилга кўчиб келгандик, — дейди Турди ота Одинаев. — Кейинчалик бу жойда Денов маҳалласи ташкил этилиб, шу ерда яшаб қолдик. Ўша пайтлар бу ерда яшаш анча мушкул эди. Кунимиз пахта даласида ўтарди. Биз, тоғликлар ўз томорқамизда меҳнат қилиб, шундан даромад топиб ўрганганимиз. Лекин ҳовлига бирор нарса экмочки бўлмас, рухсат ҳам беришмасди. Ҳар кун тонгда эшик олдига бригадир бақириб турарди. Иложиз далага кетардик. Бунга кўниқининг ўзи бўлмади. Анча вақтгача шу зайил юрди. Шукри, бугун инсон қадири юксалиб, одамлар яхши яшай бошладилар. Ҳозир маҳалламиздаги ҳеч бир хонадоннинг томорқаси бўш турганини кўрмаямиз. Йўлларимиз ривож, кўчаларимиз обод бўлганини айтмайсизми!

Бугун Китоб туманида энг намунали манзиллардан бири ҳисобланган Денов маҳалласида 830 та хонадон мавжуд. Худуднинг асосий драйвери шу пайтгача узумчилик, деҳқончилик бўлган, бугунги кунда лимончилик ҳам қўшилган. Маҳалла раиси Баҳовуддин Худойбердиевнинг таъкидлашича, аҳолининг аксарияти томорқани асосий

КИТОБ ТУМАНИ:

ҲАМ КўНГИЛЛАР, ҲАМ МАНЗИЛЛАР ОБОД БўЛМОҚДА



даромад манбаига айлантириб олган. Мисол учун, Саидали Курбонов ҳар йили тўрт сотих ерига помидор, картошка экади. Шунингдек, ток кўчатларини етиштиришни, беданачиликни йўлга қўйган. Бир йилда икки юз миллион сўмга яқин даромад топтомоқда. Қўшини Сайиддин Сиддиқов ҳам айнан деҳқончилик ортидан турмуш тарзини яхшилаб олган. Ҳар йили ҳовлисига эртаки картошка экиб, бозорга биринчилардан бўлиб чиқаради.

— “Меҳнатнинг таги роҳат” деган мақолни ўзимизга шиор қилиб олганмиз, — дейди Баҳовуддин Худойбердиев. — Шу сабаб бўлса керак, бугунги кунда маҳалламиз худудига ишсиз йўқ. Камбағал оилалар жуда кам қолди. Аҳолимиз деҳқончилик билан шуғулланади. Ҳар йили бозорда биринчилардан бўлиб бизнинг полз маҳсулотларимиз сотува чиқади. Бундан ташқари, узумчилик ҳам ривожланган. Энг муҳими, кўпчилик ўзининг

бандлигини таъминлаб, даромад топтомоқда. Натижада аҳолининг турмуш тарзи яхшиланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқарттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра 2025 йил якунига қадар 60 туман ва шаҳарни камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Мазкур рўйхатта Китоб тумани ҳам киритилган. Демак, жорий йил якунига қадар Китоб тумани камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айланади. Бунинг учун йил давомида қатор лойиҳалар ишга туширилади. Турли йўналишларда янги иш ўринлари очилади.

Китоб тоғли худуд бўлгани боис, асосий драйвери боғдорчилик ҳамда қурилиш саноати. Жумладан, туман тоғларида қурилиш

материаллари ишлаб чиқариш учун хомашё ресурслари жуда катта. Туман ҳокимлиги масъуллари берган маълумотига кўра, бугунги кунда 618 та саноат корхонаси рўйхатдан ўтган.

Жорий йилда қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, мавжуд захиралардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида туманда ташкил этилган “Китоб” эркин иқтисодий зонасининг 37 гектарли майдонига қўшимча 50 гектар ер ажратилиши орқали қурилиш материалларини қайта ишловчи, лойиҳа қиймати қарийб 30 миллион долларлик 100 та корхона очиб режа қилинган.

Табиий географик жойлашуви жиҳатидан худуднинг туризм, хизмат кўрсатиш йўналишларини ривожлантириш имкониятлари жуда катта. Жумладан, туманда Урта Осиёда ягона табиий экологик-астрономик туристик маскан — Китоб кенгик станцияси мавжуд. Бундан ташқари, Ҳазрати Башир, Сайид Немагулло, Хўжа Илганакӣ, Оқсув, Ҳазрати Султон ва Қабри Охун зиёратгоҳлари мавжуд. 305 та маданий обиде жойлашган. “Қайнар” ва “Башир” МФЙлари ихтисослиги туризмга мослашган бўлиб, уларда маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатувчи кўплаб уй меҳмонхоналари очиб мумкин.

Тахтақорача довоғи этагидаги Қайнар маҳалласида ҳозир 30 дан ортиқ хизмат кўрсатиш объекти ва 20 дан зиёд уй меҳмонхонаси, Башир маҳалласида 50 дан ортиқ уй меҳмонхонаси маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида туманда хизматлар ҳажми 1801,5 миллиард сўмни ташкил этиб, 110,6 фоиз ўсган. Хорижлик сайёҳлар сони 42 минг ва маҳаллий сайёҳлар сони 350 минг нафарга, туристик хизматлар экспорти 15 миллион долларга етказилди. Ўтган йили, асосан, Туркия, Малайзия, Индонезия, Хитой, Европа ва қўшни давлатлардан сайёҳлар келди.

— Туризм йўналишида ҳали қилинадиган ишларимиз жуда кўп, — дейди Китоб тумани ҳокими Рустам Ғофуров. — Ҳозир янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Режамизга кўра, Қайнар қишлоғида “Qaynarsoy village” МЧЖ томонидан 16 гектар майдонда 200 минг кишига хизмат қиладиган 20 миллион долларлик Қайнар сайёҳлик зонаси ташкил қилинади. Ушбу масканда 1,5 километрли дор йўли, 100 ўринли ёзги махсус мактаб, 150 ўринли меҳмонхона, 30 ўринли хостеллар, санаторий, ресторан, очқ ва ёпиқ ҳовузлар, спорт-соғломлаштириш майдончалари, шунингдек, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат турлари ташкил этилади. Ҳозир мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи ишга туширилиб, бугунги кунгача 5 миллион доллар инвестиция киритилди.

Тахтақорача довоғида жойлашган собиқ “Шабада” оромгоҳи негизда 6 гектар майдонга эга 44 та лот аукцион савдога чиқарилиб, тадбиркорлик субъектларига сотилди. Айни пайтда замонавий лойиҳалар асосида 2-3 қаватли дам олиш масканлари қуриломоқда.

Бундан ташқари, довоғи йўли атрофида “Воҳа машъали” МЧЖ томонидан капсула шаклидаги 20 донна дам олиш уйи ўрнатилди. Ҳозир тадбиркор Хитойдан 220 минг долларлик капсула уйлар олиб келмоқда.

Юқоридаги қарорда белгиланганидек, 2025 йил охирига Қашқадарьда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари каби Китоб тумани ҳам камбағаллик ва ишсизликдан холи худудлар ҳақидаги ҳоли олади. Энг муҳими, одамларнинг турмуш тарзида ўзгариш рўй бериб, кўнглилари ҳам, манзиллари ҳам обод бўлади.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ГАРОВИ

66

Университет 2023 йилдан QS Asia University Rankings рейтингда Осиёнинг энг яхши 1000 та университети рейтингига кирди, йилдан йилга ўз ўрнини яхшилаб, 2025 йилда 678-ўринга кўтарилди. Дунё бўйича жами 1050 тадан ортиқ ОТМ иштирок этган GreenMetric халқаро агентлиги рейтингда 353-ўринни эгаллади.



Абдугаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
университет ректори,
тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Мазкур фармон ва қарорларда педагоглар тайёрлаш тизimini замон талабларига мос равишда трансформация қилишнинг мажмуавий чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Шунингдек, таълим сифатини ошириш, замонавий талабларга жавоб бера оладиган рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлашни таъминлаш мақсадида ҳар бир педагогика олийгоҳи учун аниқ манзилли чора-тадбирлар ва мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланиб, ўқув жараёнига талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли тахлил қилиш ва ижодий қиқрлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методикаларни жорий этиш вазифалари белгиланди.

Соҳадаги ислохотлар натижадорлиги бўйича ўтказилаётган йиғилиш ва тақдиротларда педагогика олийгоҳлари билан мактабгача ва мактаб таълими муассасаларини ўртасидаги узвийлик тўлиқ таъминланмаётгани қайд қилинмоқда.

Бу эса қайсидир маънода 2000-йиллар бошига келиб, педагог кадрларни тайёрловчи олий таълим муассасаларининг кадрлар буюртмачиси — халқ таълими тизимидан алоҳида фаолият кўрсатиши белгилангани билан боғлиқ, албатта.

Ҳақиқатан, ҳозирги кунда 31 та давлат, 40 та нодавлат ва 5 та хорижий олийгоҳ филиалларида педагог кадрлар тайёрланаётган бўлса, биргина Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кадр буюртмачиси бўлган Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфиди.

Шу ўринда университет Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфига ўтган

2022 йилдан бери эришилган ютуқлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, университетнинг ўқув ресурсларини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини ривожлантириш орқали педагогик таълим сифатини яхшилаш, университет фаолиятини такомиллаштириш бўйича самарали ишлар бажарилди.

Университет 2023 йилдан QS Asia University Rankings рейтингда Осиёнинг энг яхши 1000 та университети рейтингига кирди, йилдан йилга ўз ўрнини яхшилаб, 2025 йилда 678-ўринга кўтарилди. Дунё бўйича жами 1050 тадан ортиқ ОТМ иштирок этган GreenMetric халқаро агентлиги рейтингда 353-ўринни эгаллади.

Университетда бюджетдан ташқари маблағ топиш бўйича ишлар тизимли ташкил этилди. Шундай маблағлар ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб 5 та факультет учун фойдаланилмай турган ўқув бинолари капитал таъмирдан чиқарилди, 2200 ўринли 3 та ўқув биноси фойдаланишга топширилди. 2022 йилда 200 ўринли ТТЖ биноси капитал таъмирланди, 2023 йилда 800 ўринли талабалар ошхонаси қурилди. 2024 йилда янгидан 1500 ўринли ТТЖ биноси давлат-хусусий шериклик асосида ишга туширилди.

Университет учун Янги Тошкент шаҳри ҳудудидан 40 гектар майдонда 20 миң ўринли ўқув бинолари, 5 миң ўринли ётоқхона, инновацион педагогик кластер фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, шунингдек, замонавий спорт комплекси, маданият саройи, амфитеатр ва эски тўғрисида Словакиянинг “CERT



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



бошқа объектларни ўз ичига олган кампус қурилиши белгиланди.

Иккинчидан, академик, ташкилий бошқарув соҳалари тубдан ислох этилиб, халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилинди. 2023 йилдан бошлаб университетга давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилди.

2025 йилга келиб эса университет бошқарув тизимининг ISO:21001 (Educational organizations — Management systems for educational organizations) талабларига мос экани тўғрисида Словакиянинг “CERT

INTERNATIONAL” халқаро сертификатлаштириш ташкилоти хулосаси олинди ва тегишли сертификатлар топширилди.

Ўзбекистонда шу кунга қадар бор-йўғи 4 та олийгоҳ — Тошкент давлат стоматология институтини, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Тошкент кимё халқаро университети ҳамда Тошкент шаҳридаги INHA университети ISO 9001:2015 халқаро стандарт сертификатларига эга эди.

Учинчидан, педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ҳисобланган таълим дастурларини такомиллаштириш борасида катта ислохотлар қилинди. Хусусан, кадр буюртмачилари тақлифлари инобатга олинми, турдош етакчи хорижий олийгоҳлар тажрибалари асосида ўқув режа ва дастурлар қайта кўриб чиқилди. Таълим дастурларини халқаро андозаларга мос трансформация қилиш ишлари бажарилди. Ваконатли халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таълим дастурлари аккредитацияга тайёрланди. Шу ҳаракатлар натижаси ўлароқ 2024 йилга келиб, Германиянинг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш агентлиги — ASPIN томонидан университетнинг 4 та таълим дастури халқаро стандартларга мос деб топилди. Эндиликда дунёнинг 64 та давлатда мазкур йўналиш битирувчилари дипломлари тан олинди. Бу ишлар жадал давом эттирилмоқда. 2025 йилда яна 4 та таълим дастури халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан аудитдан ўтказилмоқда.

Ушбу ташкилотдан ҳозиргача республикамиздаги 2 та олий таълим муассасаси — “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда Тошкент давлат техника университети таълим дастурлари халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтиб, тегишли сертификат

олган. Университетнинг таълим дастурлари юртимизда учинчи бўлиб мазкур халқаро аккредитация ташкилоти сертификатини олди.

Кадр истеъмолчилари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2022 йилдан бошлаб университетда тахсил олаётган 2-4-босқич талабаларининг амалиёти Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 53 та мактабгача, 534 та давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотидида “4+2” тартибидида ташкил этилмоқда.

Тўртинчидан, университетда бажарилаётган илмий, амалий ва инновацион тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг натижадорлигини ошириш, университет илмий салоҳиятини янада ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди.

Илмий салоҳият сўнгги 3 йилда 38 фойдан 62 фойзга ошди. Фан докторлари сони 78 нафарга, фан номзодлари сони эса 346 нафарга етди. 13 та иختисосияти бўйича илмий даражалар берувчи 4 та илмий кенгаш ташкил этилди. 2021 йилда 78 та диссертация химоя қилинган бўлса, педагогик таълимнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари кўлимини кенгайтириш орқали 2022 йилда 118 та, 2023 йилда 182 та, 2024 йилда 202 та ва 2025 йилнинг ўтган даврида 98 та диссертация муваффақиятли ёқилди.

Бешинчидан, университетнинг таълим соҳаларига мос тегишли етакчи хорижий илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хорижий мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилиниб, уларни таълим жараёнига жалб этиш салмоғи ортди.

Университетда қўшма дастурлар сони 11 тани ташкил этмоқда. Шундан 2023-2024 йилларда Россиянинг дунёнинг ТОП-1000 рейтингидидаги Қозон федерал университети билан ҳамкорликда 2 та, Қозғистоннинг Қарағанда университети билан 2 та қўшма дастур йўлга қўйилди. 2024 йилда Германиянинг Ming Cheng институти билан ҳамкорликда ўзбек-немец инновацион қўшма факультети очилди.

Дунёнинг ТОП-1000 талик рейтингига кирувчи ОТМлардан 100 дан ортиқ халқаро мутахассис университет таълим жараёнига жалб қилинди.

Олий педагогик таълим соҳасидидаги эришилган ушбу ютуқларга қарамай, педагог кадрлар тайёрлаш тизимидида ягона ёндашув мазмунининг мактабгача ва мактаб таълими дастурлари билан узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланмагани сабабли тизимни такомиллаштириш зарурати мавжуд эди.

Президентимизнинг 2025 йил 28 апрелдаги “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ечиш, республикамизда ягона концептуал ёндашув асосида 2030 йилга қадар педагог кадрлар тайёрлаш соҳасида бажарилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Фармон билан Тошкент давлат педагогика университети трансформация қилиниб, Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ташкил этилди ва университет республикада педагог кадрлар тайёрлаш бўйича етакчи олийгоҳ этиб белгиланди.

Республикада педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ягона ёндашув асосида янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг педагогик таълимни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозини жорий этилиб, бир вақтнинг ўзида Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ректори вазифасини бажариши белгиланди.

Университет бошқарув тизимини “Янги Ўзбекистон” университети тажрибаси асосида тубдан такомиллаштириш ва мавжуд 14 та факультетни мақбуллаштириш орқали 6 та педагогика олий мактаби ташкил этиш белгиланди.

Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда университетнинг халқаро таълим дастурлари жорий этилган таълим йўналишларида дарс бериш учун профессор-ўқитувчиларни танлаб олиш тизими йўлга қўйилди.

Университетга халқаро таълим дастурлари жорий этилган йўналишлар учун уларнинг талабаларидан келиб чиқиб талабаларини қабул қилишда мустақил равишда қўшимча ва алоҳида имтиҳонлар — сўхбат, тест, иш, кейс топшириқлари ва бошқалар ташкил этишга рухсат этилади.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “Госпитал педагогика” магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Университетда академик фаолият рақамлаштирилган бошқариш тизими (Learning Management system)га ўтказилди ва “Олий таълим жараёнларини бошқариш” (HEMIS) ахборот тизими билан интеграция қилинди.

Худудлардаги 11 та педагогика олийгоҳи ҳамда Самарқанд давлат университети-нинг Каттақўрғон филиали негизидида ташкил этилган Каттақўрғон педагогика институти, Ўзбекистон — Филиалди педагогика институти негизидида ташкил этилган Самарқанд давлат педагогика институти Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

2026/2027 ўқув йилидан ушбу педагогика олийгоҳларида ҳам бошқарув тизими такомиллаштирилиши, халқаро таълим дастурлари босқичма-босқич жорий этиб борилиши белгиланди.

Фармон иловалари билан педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда педагогик таълимни ривожлантириш республика кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастури 2025-2030 йилларда педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича 5 та йўналишдаги 22 та яхлит вазифани ўз ичига олган бўлиб, амалга ошириш механизмлари белгиланган.

Шунингдек, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб педагог кадрлар тайёрлаш фақат кундузги ва кечки таълим шакли бўйича ташкил этилади, сиртки таълим шаклига қабул амалга оширилмайди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб республикамизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини тахлил қилиш мақсадида талабаларнинг билимларини ташқи диагностика қилиш тизими жорий этилади. Бунда диагностика натижаларига кўра педагог кадрлар сифати белгиланган талабаларга жавоб бермайдиган таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашни чеклаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қабул қилинган ушбу тарихий фармон педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш ҳамда ягона концептуал ёндашув асосида олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашга қаратилган бўлиб, педагогика олийгоҳлари томонидан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилишига, педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг мактабгача ва мактаб таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга мослашишига ҳамда жамиятда педагог мақоми ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатларининг 120 йиллиги олдидан

АКЛИЙ ЧИНИҚИШ — ЖИСМОНИЙ БАРКАМОМЛИК КАФОЛАТИ

Бошланиши 1-бетда

Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўиши мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳам турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, уларни фаолиликка кенг жалб этиш бўйича кўламли ишлар қилиб келмоқда. Бу орқали ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш асосий мақсад ҳисобланади. Шу ҳаракатларнинг узвий давом сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимидидаги Меҳнат ва иجتимоий муносабатлар академияси ҳузурида шахмат мактаби ташкил этилди, меҳнат жамоаларида шахмат клублари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, турли меҳнат жамоаларида шахмат мусобақалари ташкил этиш юзасидан календарь режа тасдиқланиб, ҳаваскор шахматчилар ўртасида турнирлар ўтказиш тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 8 майдаги “2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш ҳамда шахматни оммавий ҳаракатга айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижро-



сини таъминлаш мақсадида шахмат бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кубоғи учун ташкил этилган мусобақалар мазкур йўналишлардаги ишларнинг узвий давомидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан Спорт вазирлиги

ва Ўзбекистон шахмат федерациясини иштирокчида ташкил этилган мазкур шахмат мусобақаси 3 босқичда ўтказилди ҳамда юртимизда меҳнатқилар, ёшлар шахмат бўйича кубоғини намоён қилиши учун кенг имкониятлар яратиб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Халқаро шахмат федерациясининг амалдаги қондаларига мувофиқ ўтказилган мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари 12 миңдан зиёд корхона, ташкилот ва муассасада фаолият кўрсатётган 85 миңдан ортиқ кишини қамраб олди. Қуйи босқичларда голибликни

қўлга киритган ҳаваскор шахматчилардан 56 нафари мусобақанинг республика босқичига йўллангани қўлга киритди.

Республика босқичи иштирокчилари бўлган турли соҳа эгалари касаба уюшмалари томонидан пойтахтимизда илиқ кутиб олинди, замонавий кулайликларга эга “Чинобод плаза” санаторийсига жойлаштирилди. Бу ерда уларнинг дам олиб, мусобақаларга юксак даражада тайёргарлик кўриши учун барча зарур шарт-шароит ва кулайликлар яратиб берилди.

Мусобақаларнинг дастлабки кун 28 аёл ва 28 эркак ҳаваскор шахматчи швейцарча усулда ўзаро куч синишти. Шу тахлит мусобақаларнинг биринчи кун иштирокчилар 1-турдан 6-тургача бўлган бахсларда, иккинчи кун эса 7-турдан 9-тургача бўлган мусобақаларда рагид йўналишида аклий салоҳиятини синовдан ўтказди. Узиға хос комбинацияларга бой бўлган ҳар бир баҳс юрдошларимиз шахматда юқори салоҳиятга эга эканини кўрсатди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан мусобақанинг республика босқичи голиблири тўпалан очколари сонига қараб аниқланди. Тақдирлаш маросимида мусобақанинг финал босқичида қатнашган 56 иштирокчида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан махсус диплом ва “Чинобод плаза” санаторийсидида саломатлигини мустаҳкамлаши учун бепул йўлланмалар

берилди. Шундан сўнг 3-ўринни қўлга киритган ҳаваскор шахматчиларга 30 миллион, 2-ўрин эгаларига 40 миллион, 1-ўрин соҳиб бўлган голибларга 50 миллион сўмдан пул мукофотлари ва медаллар топширилди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, эркак ва аёллар ўртасидаги мусобақалар якуни бўйича умумжамоа ҳисобида энг юқори натижа қайд этган Тошкент вилояти жамоасига Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кубоғи тақдим этилди.

Тадбир якунида иштирокчилар эътиборига санъат усталари ижросидидаги байрамона концерт дастури ҳамда Тошкент шаҳри бўйлаб мароқли саёҳатлар уюштирилди.

Уч кун давом этган спорт байрами ҳар бир иштирокчи учун ўзиға хос унутулмас таассурот қолдириш билан бирга меҳнат жамоаларида шахматни кенг тарғиб этиш, бу бордада оммавийлигини ошириш ҳамда ишчи ва ходимлар орасидан янги иқтидорларни юзага чиқаришга муносиб ҳисса қўишани билан янада аҳамиятли бўлди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Матбуот хизмати раҳбари



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Мамлакатимизда ногиронлиги бор инсонларнинг таълим олиши, ўзига муносиб иш билан таъминланиши борасида жиддий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инклюзив жамият барпо этишга қаратилган савий-харакатлар туфайли ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланиб, кўпи меҳнат қилиш имкониятига эга бўляпти.

ИНСОН УЧУН

ИШЛАШГА ИШТИЁҚИ ЮҚОРИ НОГИРОНЛИГИ БОРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР БИР МАЙДОНДА УЧРАШАДИ

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Бозор маҳалласида яшовчи Баҳодир Абдуллажонов иккинчи гуруҳ ногирони. Бир неча йилдан буён энцефалопатия — асаб тизими жиддий хасталиги билан курашиб келмоқда. Шифокорларнинг айтишича, бу касаллик одамнинг фикрлаши, ҳис қилиши ва кундалик фаолиятига таъсир кўрсатади.



эканига, уларга умид ва ишонч берилса, фаолияти билан юзлаб одамга ўрнатилган имкониятни берди.

Баҳодир ҳозир ҳунари орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлмоқда. Бугун унинг ижодкорлиги эвазига ясалган маҳсулотлар анча харидордир. У тўқши услубида ихчам ва рўзгорбоп сумкалар, бош кийимлар ҳамда бошқа моддий ва эстетик жиҳатдан қимматли маҳсулотларни қўл меҳнати билан тайёрлаб келмоқда.

Шариф Комилов ҳам Зангиота туманида истиқомат қилади. Биринчи гуруҳ ногирони. Кўзи ожиз. Шунга қарамай, меҳнатдан ва ўз устида ишлашдан тўхтамайди. У ҳам яқинда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш режалаштирган.



— Бу маҳсулотлар нафақат ҳунарим, балки ҳаётга муҳаббатим намунаси. Ҳозир ўз эҳтиёжларим учун ҳаракат қилишман. Аммо келажакда ўзим каби хасталиқдан азият чекаётганларга ёрдам беришни кўнглимга туканман, — дейди Баҳодир Абдуллажонов. — Бу бўйича махсус тўғарақ ташкил этишни режалаштирганман. Шу тўғарақни очсам, ўзим кабилар ҳам фойдали машғулот билан шуғулланади ва тузалиш имкониятига эга бўлади. Шу йил 1-2 май кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ”да “Инсон учун” деб номланган савдо кўргазмаси бўлиб ўтади. Ушга кўргазмада ўзим ясаган маҳсулотлар билан қатнашиб, ҳунаримни кенг оммага намойиш қилишни, бошқа ижодкорлар билан таъриба алмашиб, келгусида брендини таъминлашни ниёт қилишман.

Зангиота туманидаги “Зангиота” мебель ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамиятида фаолият юритаётган меҳнат жамоасининг 70 фойизи ногиронлиги бўлган шахслардир. Шариф ҳам шу корхонада ёғоч текислаш билан шуғулланади.

— Айнан шу корхонага ишга кирганим ютугим бўлди. Ногиронлиги бор инсонларга корхонамизда алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилади. Бу ерда ишлаш учун барча шароит яратилган. Жамиятда ўз ўрнини топиб, мустақил тадбиркор бўлишни ниёт қилганман, — дейди Шариф Комилов.

“Инсон учун” савдо кўргазмаси ногиронлиги борлар учун янги имкониятларни яратиши оқиди. Бу тадбирда ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаётган тадбиркорлар ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этади. Унда турли тижорат лойиҳалари ва ҳамкорлик ташаббуслари ҳам илгари сурилади.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ



МАЪНАВИЙ РАҒБАТМИ ЁКИ...

Байрам АЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Майлими, сўз бошлашдан аввал бир оз диққатингизни тарихга қаратсам. Эгнига зар чопон кийиб, бошига катта салла кўндирган мунажжимни кўз олдингизга келтиринг. Уни хаёлан Соҳибқироннинг ҳузурига етаклаб киришганди, “Авлодларинг қачондир оила қуриш, янги иш бошлаш, имтиҳонга кириш, чет тилини ўрганиш, китоб ўқиш, эрта туриш... ва ҳоказолар учун мотиватор — рағбат берувчиларга зарурат сезиб қолади”, дея гапиртириб кўрингчи. Хўш, нима бўлди? Мабодо мунажжим жанобларининг салласи ерга тушиб, думалаб кетмадимми?



Мулоҳаза

Ҳа! Аслида, бизнинг ҳар иккала воқеани тасаввур этишга асосимиз бор. Тарихий манбалар туркий элнинг ори, ўзига ишончи қанчалар юксак бўлгани, миллатнинг маънавий қиёфасини сақлаб қолиш йўлида ҳар қандай хатарга қарши чиққанига гувоҳлик беради. Бироқ глобаллашув жараёни бизнинг ҳам асрлар давомида шаклланган миллий туғулгимизга таъсир қилмай қолмади. Қадриятларга пугур етди: кеча уят саналган кўп одат ҳозир табиий ҳолдек туюлади. Олисга бормайми. Отанинг отаси — Бекна бобом элнинг номдор қавақдорларидан эди. Сурув-сурув чорваси, йилқиси бўлган. Лекин нимагадир у отанимни ўн икки ёшида айириб, онаси билан бирга эски чордеворга кўчириб чиқаради. Сўнг отам кун кечириб илжинида комбайнчиқа шогирд тушади. “Ушандан бери ўз кунимни ўзим кўраман, на оч қолдим, на кийимга зорикдим”, дейди у ҳозир фахрланиб.

Аслида-ку, бундай воқеалар ҳар биримизнинг отамиз, боболаримиз ҳаётида юз берган. Бугун биз мансуб авлод ўттиз ёшга довуруқ бўлиб чоғлаётган бир пайтда оталаримиз учун ўн беш ёш — эр етиб, бир рўзгорнинг эгаси бўлишга еттилик вақт эди. “Бўламан деган бола ўн бешиде бош бўлур” мақоли ҳам бундан далolat.

Эҳтимол, сиз буларнинг ҳаммасини жисмоний қувватга олиб бориб тақарсиз. “Бурунгилар жуда соғлом, шунга гавдаси йирик, шашти ҳам балинд бўлган”, дерсиз бошингизни чайқаб. Мен эса эпосда жисмоний қувватга маънавий қувват ҳосиласи сифатида қаралгани, Гўрўғли, Алпомиш, Равшанхон каби баҳодирларнинг кучга тўлиш учун маънавий сафарларга чиққанига гўр ва горларда чилла сақлаб ётганини эслашимизни истардим. Демак, дардга қидасиз, ҳаёт синовлари олдида иродасиз замонавий авлоднинг шашти пастиги фақат экология еки фаст-фуд истеъмолчи билан боғлиқ эмас. Бу ерда ўйлаб кўриш, таҳлил қилиш учун бошқа каттароқ сабаблар ҳам бор...

Яшириб нима қилдик: бугунги ёшларнинг маънавий даражасида мувозанат бузилган. Агар илмли, ўз мақсадларига эга, зукко ёшлар билан уларнинг зиддини тарозининг икки палласига қўйсак, иккинчи палла босиб кетиши эҳтимоли бор. Аввалига реклама эълонлари, кейинроқ электрон платформаларни ишгоҳ қилиб, энди китоб дўконларидики пештахталарнинг ҳам қарийб саксон фойизини эгаллаб бўлган “мотивация”, “аффирмация” каби истилоҳлар ҳозир уларнинг сеvimли сўзларига айланган. Шунга бўлса керак, ижтимоий тармоқларда энг “харидордир” контентлар ҳам бошқа соҳага эмас, айнан мотивацияга доир. Уларда эса яқиндагина трендга чиқиб, тармоқларда роса айланган “Фалон йилда туғилганларни синдириш бандасигамас” каби

ман. Бу вақтни увол қилишдан бошқа нарса эмас. Чунки дастурлашни учун одам, аввало, робот даражасига тушиши керак. Бир гапни сўйлаб, бошқа гапни ўйлаб оладиган, оний фурсатда миясидан минглаб сезилар, хаёлар чакнаб улгурадиган одамдод дастур ёрдамида бошқариладиган оддий механизм даражасига тушиши, кўр-кўрона истеъмолчига айланиб қолиши мумкинми?!

Мисол тариқасида давримизнинг энг омалашган аффирмацияларидан бири — онг остига етиб бориши учун мотиваторлар ойнага қараб, кунига фалон марта қайтаришни



говят ваҳимали, мағзи эса пуч ибораларнинг бозори чакқон.

Тўғри, маънавий рағбат ҳаммага керак, лекин бачканалик, олди-қочди, ёлгон, бетасвия қиладиган баъзи ибораларга эътибор қаратасан: “Мен бахтлиман”, “Мен бойман”... Буларни ўзига ўзи қайта-қайта уқтираётган нодон “Қайси бахтли одам ойнага қараб,

буни ўзига гапириб ўтирибди?” деб наҳотки ўйлашасан? Бу сизга лўли қизинг ойнага қараб, тиланчилик қилиши ҳақидаги ривоятни эслатмайдингми? Қайси бой ёки қайси эсли одам кун буйи кўзгуга тикилиб, ўзининг бой ёки доно эканига ўзини ишонтиришга ҳаракат қилади деган фикр хаёлидан ўтмасан? Бошқа тарафдан қараганда, бу ҳаракатлар киши учун ўзини қалақа қилиш, хўрлаш эмасми?!



маъниликлар билан одамларни кўпикдай шишириш асло маънавий рағбатга кирмайди. Маънавий рағбатмас, маънавий бидъат бу! Мазкур контентлар одам миясини ҳам робот сингари дастурлашни ваъда қилади. Тумтароқ сўзлар ёрдамида онгнингизга дам уриб, сизни муваффақиятлар сари етаклашга ишонтиради. Мен шу манбаларни кўзатиб, кимдир нимагадир эришишига ишонмай-

ман. Бу вақтни увол қилишдан бошқа нарса эмас. Чунки дастурлашни учун одам, аввало, робот даражасига тушиши керак. Бир гапни сўйлаб, бошқа гапни ўйлаб оладиган, оний фурсатда миясидан минглаб сезилар, хаёлар чакнаб улгурадиган одамдод дастур ёрдамида бошқариладиган оддий механизм даражасига тушиши, кўр-кўрона истеъмолчига айланиб қолиши мумкинми?!

“Кўпчилик кўрган бўлса керак, яқинда интернетда бир ижтимоий сўров эълон қилинди. Унда “Ойбекни биласизми?” деб сўралган ҳар тўрт ёшдан учови “Биламан! Метро бекатининг номи”, деб жавоб қайтарди. Сўров якунида уларга ўз миллатининг катта шоири, ёзувчиси таништирилган ҳам хижолат тортмади. Тиржайиб тураверди — калласида шу аҳмоқона гапи билан танилиш истаги...

Мотиваторларни қўя турайлик, мотивация бунчалар муҳтож қатлам қаердан пайдо бўла қолди ўзи? Ундаги пуч рағбатга ўчликнинг, гўлларча қарамликнинг кундан кун ортиб боришига сабаб нима? Наҳотки, бу ҳам гивҳандликка ўхшаган янги дард бўлса?

Агар бу борада ўзимнинг фикрим билан қизиксангиз, мен “Ҳар қандай руҳий муҳтожлик, аввало, маънавий бўшлиқ туфайлидир”, дер эдим. Маънавий бўшлиқ турфа сабаблар туфайли инсон умрининг турли даврида пайдо бўлади. Австриялик таниқли психиатр Зигмунд Фрейд фикрича, шахснинг кечинимлари у туғилгандан то ўлгунча онг ости қатламида сақланар экан. Бундан чиқди, инсондаги маънавий бўшлиқ ҳам ақл бовар қилмас даражада илгари пайдо бўлган эҳтиомолдан холи эмас. Ушбу бўшлиқ қанча илгари содир бўлса, шунча ёмон. Чунки йиллар ўтиши мобайнида киши руҳияти уни ўзига синдириб шаклланади. Оқибатда бу инсоннинг табиғатига айланиб қолади.

Демак, қадимда момоларимиз бешикдаги чақалоқларга алла айтиб ухлатганда бежиз шунчаки оҳанг эмас, “пахлавоним”, “ботирим” каби сўзлардан фойдаланмаган экан-да? Ким билсин, бугунги мотиваторлар балки айнан алласиз ўсган авлод маънавий тарбиясида йўл қўйилган камчиликнинг ўрнини тўлдиршига уриниб ётандир?

Мақсаддан узоқлашиб, кичик деталлар атрофида айлана бошлаганимиз ҳис

ман. Бу вақтни увол қилишдан бошқа нарса эмас. Чунки дастурлашни учун одам, аввало, робот даражасига тушиши керак. Бир гапни сўйлаб, бошқа гапни ўйлаб оладиган, оний фурсатда миясидан минглаб сезилар, хаёлар чакнаб улгурадиган одамдод дастур ёрдамида бошқариладиган оддий механизм даражасига тушиши, кўр-кўрона истеъмолчига айланиб қолиши мумкинми?!

Мотиваторларни қўя турайлик, мотивация бунчалар муҳтож қатлам қаердан пайдо бўла қолди ўзи? Ундаги пуч рағбатга ўчликнинг, гўлларча қарамликнинг кундан кун ортиб боришига сабаб нима? Наҳотки, бу ҳам гивҳандликка ўхшаган янги дард бўлса?

Агар бу борада ўзимнинг фикрим билан қизиксангиз, мен “Ҳар қандай руҳий муҳтожлик, аввало, маънавий бўшлиқ туфайлидир”, дер эдим. Маънавий бўшлиқ турфа сабаблар туфайли инсон умрининг турли даврида пайдо бўлади. Австриялик таниқли психиатр Зигмунд Фрейд фикрича, шахснинг кечинимлари у туғилгандан то ўлгунча онг ости қатламида сақланар экан. Бундан чиқди, инсондаги маънавий бўшлиқ ҳам ақл бовар қилмас даражада илгари пайдо бўлган эҳтиомолдан холи эмас. Ушбу бўшлиқ қанча илгари содир бўлса, шунча ёмон. Чунки йиллар ўтиши мобайнида киши руҳияти уни ўзига синдириб шаклланади. Оқибатда бу инсоннинг табиғатига айланиб қолади.

Демак, қадимда момоларимиз бешикдаги чақалоқларга алла айтиб ухлатганда бежиз шунчаки оҳанг эмас, “пахлавоним”, “ботирим” каби сўзлардан фойдаланмаган экан-да? Ким билсин, бугунги мотиваторлар балки айнан алласиз ўсган авлод маънавий тарбиясида йўл қўйилган камчиликнинг ўрнини тўлдиршига уриниб ётандир?

Мақсаддан узоқлашиб, кичик деталлар атрофида айлана бошлаганимиз ҳис

қиламан. Ёзиб турган мақоламни тўхтатиб, хаёлларимга дам бериш учун кўчага чиқаман. Ёнимдан тенгқурларим тўп-тўп бўлиб ўтади. Айримларининг қулоғида қўлоқчин. Чақилган писта пўчоқлари, туфланган сақичлар қолади улар ортдан...

Пойтахт кўчаларини кезар эканман, дафъатан Абдулла Қодирийнинг деворга ишланган изтиробли қиёфасига кўзим тушади. Шунда оёқларим ҳам, нигоҳим ҳам бир нуқтада қотади. Қодирий сиймосига тикилиб, миллат зиёлиларининг яқин тарихдаги кечмишини эслайман. Ҳа, қачондир ҳақиқатни айтганлар қатагон қилинди. Миллат манфати йўлида бирлашганлар қамалди, отиди. Қолганларини эса бир-бирига ишончсизлик уйғотиш, ёвлаштириш йўлида фитналар уюштирилди. Бироқ аҳамиятлиси, шунда ҳам элнинг асл фарзандлари майдонни бўшашиб қўймадилар, “от изини босиш”га ҳаракат қилди! Ёшларни маърифатни байроқ қилиб кўтаришга, баркамолликка, бирдам бўлишга давлатимиз раҳбарининг ўзи чорлаб турган айни паллада кўпгина йигит-қизлар орасидаги бундай бефарқлик ва тарқоқликнинг сабаби нимада экан?

Беш ташаббус, Учинчи Ренессанс каби эзгу гоялар ҳам айнан катта эҳтиёж сабаб майдонга чиқмаётими? Баъзан ўйлаб қолам: оламга даҳоларни берган миллат фикрдан, мушоҳададан нега бунчалик узоқлашиб қолди? Нимага уларни машина ё пул бериб бўлса ҳам китоб ўқишни зарурати тугилди? Балки бунинг илдиниси анча наридан излаш керакдир?..

Ўтмишдаги босқинчиларнинг қўя турайлик, яқин тарихда ҳам халқимиз оғир кунларни бошдан кечирди. Айнан мана шу даврда халқ Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари зиёлиларидан узиб қўйилди. Элнинг кўзини очини, эл эргашини мумкин бўлган одамлар ватан хоини, сотқин сифатида кўрсатилди. Мустабадлар ҳатто китобхон халқ эканимиздан ҳам унумли фойдаланди. “Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш” ширин остида халққа ўзгинини унуттирадиган, ички оламни бойитиш ўрнига таназзулга етаклайдиган асарлар тарғиб қилинди. Натжижада миллатда жуда катта маънавий узилиш содир бўлди. Бугунги ёшларнинг Навоийни тушунмаслиги, жадидларимиз илгари сўрган миллатпарварлик гояларидан ҳажжонга тушмаслиги ҳам шунданлир...

Кўпчилик кўрган бўлса керак, яқинда интернетда бир ижтимоий сўров эълон қилинди. Унда “Ойбекни биласизми?” деб сўралган ҳар тўрт ёшдан учови “Биламан! Метро бекатининг номи”, деб жавоб қайтарди. Сўров якунида уларга ўз миллатининг катта шоири, ёзувчиси таништирилган ҳам хижолат тортмади. Тиржайиб тураверди — калласида шу аҳмоқона гапи билан танилиш истаги...

Аслида, жафокаш миллатимизнинг бугунгача кечирган кечмиши бизга жуда кўп нарсани аналтиши керак. Кўп ўқишдан кўра нимани ўқиб билиш муҳим экани, зиёлиларнинг халқ ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш кераклиги, маънавий тарбиядаги озгина узилиш жамиятга қандай катта таллафот етказиши мумкинлиги шунлар жумласидан.

Тўғри, ҳар бир авлод ҳаёт саҳнига ўз яшаш таърибаси, қарашлари билан кириб келиши табиий. Лекин бунинг “табиий ҳол”, “замона зайл”и деб, ёшларнинг фикрсизлик тузоғига иланиб қолишига жим қараб туриб бўлмайди. Ўзбекистон энг ривожланган мамлакатлар билан рақобат майдонига кириб келаётган бир пайтда ёшларни ортдан эргаштирадиган, уларга ҳар жиҳатдан намуна бўладиган, сўзи билан амали бир шахслар, зиёлилар миллатга бугун кекагидан кўпроқ керак. Беҳудий давридаги каби илмга, маърифатга ҳомийлик қилувчи сахийлар халқнинг ўз ичидан чиқиши зарур. Балки бир-икки киши кўп ишни удалдай олмас. Бироқ, аввало, зиёлилар халқнинг миллий гурурини уйғотишдек гоя йўлида бирлашса, халқ ҳам бирлашади. Миллий гурур, тафаккур уйғонган, ўз мақсадига эга жамиятда ортинча ҳеч қандай руҳий рағбат, жамиятга тил билан айтганда, пуфлаб шиширилган мотивацияга зарурат йўқ. Бундай одамлар инсоннинг нималарга маънавий масъул эканини шундоқ ҳам яхши ҳис этади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Навбатчи муҳаррир: Жонбек Алиқонов
Мусаҳҳаж: Аслидин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй